

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 2-aprel, chorshanba № 25 (15767)

Navqiron avlod so'zi

ВАТАН КОРИГА КАМАРБАСТАМИЗ

Ўлкамизда кезиб юрган кўклам нафаси ҳар лаҳзага яшариш, янгиланиш шукуҳини улашмоқда. Яқиндагина қор кўрпаси бағрида мудраб ётган ўт-ўлан, майса-ғиёҳ бош кўтариб, атроф яшил либос кийди. Бодомлар гуллади, ўрик гуллади. Дарахт новдаларида тизилган куртаклар ёрилиб унда бўлғуси ҳосилдан дарак берувчи гуллар ифори оламни тутган паллалар табиатнинг энг гўзал фурсатидир. Ана шундай бетакрор паллаларда юртимизда Наврўз байрами нишонланди.

Энг эътиборли томони, ана шу тантаналарда Юртбошимизнинг биз, ёшларга қарата айтган сўзлари мени жуда тўлқинлантириб юборди. Президентимизнинг «...Ватан олдидаги ўз бурчини чуқур англаган, ўз олдига юксак марралар кўйиб, дунёдаги барча тенгдошлари билан беллашувга тайёр фарзандларимни бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз, деб юксак қадрлаймиз ва сиз, ёшларимизни эъзозлаб камол топтиришда ўзимизни ҳеч қачон аямаймиз», деган сўзлари биз, ёшларга билдирилган жуда катта ишонч ва эътибор ифодасидир. Ватанимиз равнақи биз каби йигит ва қизларнинг қўлида экан, юрт қорига камарбаста бўлиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Замоनावий ўқув юртлирида олган билимларимиз, бундай даргоҳларда ёшлар учун муҳайё этилган таълим шароитлари, устозларимизнинг ўғит ва йўл-йўриқлари, иқтидор ва салоҳиятимизни намоён этиш йўлида яратилган имкониятлар биз — келажак авлод эгаларини юрт олдида янада масъулиятли, ғайрат-шижоатли бўлиб вояга етишимизга ёрдам бермоқда.

Кўкламнинг ҳар куни байрам. Унда миллий қадриятларимиз ҳар доимгидан кўпроқ тантана қилади. Масалан, шу кунларда «Камолот» ЁИХ университетимиз бошланғич ташкилоти ташаббуси билан «Қадрият, анъана, урф-одат ва ёшлар» лойиҳаси доирасида қатор тадбирларни ўтказяпмиз. Байрам университети ҳовлисида пишириладиган «Сумалак сайли» билан бошланиб, унга «Миллий таомлар фестивали» уланиб кетди. Бундан ташқари, байрамга 22-мехрибонлик уйи тарбияланувчиларини тақлиф этдик. Уларга совғалар улашилди. Меҳмонлар учун байрамнинг бадиий қисми миллий ўйинлар, спорт мусобақалари, театрлашган сахна кўринишлари намойиш этилиб, шундан сўнг барча йиғилганларга баҳорий таомлар билан безатилган байрам дастурхони ёзилди.

Байрамлар баҳона биз, талабалар янада жипс-лашамиз. Тайёргарликлар жараёнида янги-янги гоёларни амалга татиқ этишга имкон бўлади, янги-янги истеъдодлар, фаол ва жонкуяр ёшлар кашф этилади. Жамоат ишларида фаол иштирок этаётган талабалар ўқишдан ташқари жамоат ишларида ҳам ўзларини кўрсатиб, жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини топиш йўлида дастлабки қадамларини қўймоқдалар. Бу қадамлар — катта қадамлар, Ватан тараққиёти йўлида ўз ҳиссасини қўшишга қаратилган, эзгу мақсадлар сари қўйилган илк қадамлардир. Биз, ёшлар Юртбошимиз ишончига муносиб авлод, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш учун барча куч ва билимимизни сарфлашга тайёرمىз.

Комилжон ХУРСАНДОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти, Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиби



Собир Нарзиёв олган суретлар.

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

ТАЛАБАЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Қарши давлат университетининг янги биноси фойдаланишга тоштирилди. 1500 нафар талаба билим олишига мўлжалланган ушбу бино қурилишига 18,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Янги ишюотни барпо этишда «Яккабоғ кўрғони» қурилиш жамоаси ғайрат билан ишлади.

Янги ўқув биноси саккиз блокдан иборат. Унинг таркибида 250 ўринли фаоллар зали, ҳар бири юз ўринли тўртта маърузалар зали, тиббиёт пункти, гардероб, кутубхона, дорихона, матбуот тарқатиш ва канцелярия моллари дўконлари, ўқув ҳамда лаборатория хоналари бор.

Мазкур бинонинг очилишига бағишланган тадбирда Қашқадарё вилоят ҳокими Зафар Рўзиев иштирок этиб, университет жамоаси ва талабаларини, қашқадарёлик барча ёшларни шундай чиройли ва қулай бинонинг фойдаланишга топширилиши билан қутлади. Талабаларнинг ўқиш-

ларига муваффақият тилади. Бу давлатимизнинг, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз ёшларига қаратаётган катта эътибори, оталарча ғамхўрлигининг яна бир исботидир.

Қарши давлат университети юртимиздаги нуфузли олий таълим муассасаларидан саналади. Бугун ушбу университет битирувчилари наинки Қашқадарё воҳасининг ўзида, шу билан бирга мамлакатимизда, жаҳоннинг кўпгина давлатларида самарали меҳнат қилишмоқда. Масалан, ҳозир ҳам университетда ўттиз нафар чет эллик талаба таълим

олаётир ва улар ҳадемай, ўз юртлирига бориб, иш фаолиятларини бошлайди. Ушбу факт ҳам муассасанинг салоҳиятини кўрсатади.

Дастлаб Қарши давлат педагогика институти сифатида ташкил этилган ушбу муассаса олий таълим тизимини такомиллаштириш, юқори малакали мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлашни яхшилаш, минтақани кадрлар билан таъминлаш мақсадида 1992 йил Президентимиз фармонига асосан университетга айлантирилди.

Бугунги кунда университетда 38 та мавзу бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кейинги беш йил мобайнида ушбу мавзулар бўйича иккита фундаментал, иккита амалий тадқиқот ўтказилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Hududlardan mujdalar

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Чортоқ транспорт ва алоқа касб-хунар коллежида «Камолот» ЁИХ туман кенгаши, туман ҳокимлиги худудидаги ҳарбий қисм, Сержантлар тайёрлаш мактаби, Касаба уюшмалари туман кенгаши, маданият ва спорт ишлари бўлими, ҳамкорлигида «Ёш чегарачилар» ҳарбий-спорт мусобақасининг туман саралаш босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақа натижасига кўра, мезбон коллежнинг «Адолат» жамоаси 1-ўринни қўлга кириштириб, вилоят босқичига йўлланма олди. 2-ўрин Боғистон қишлоқ хўжалиги ва боғдорчилик коллежининг «Ўзбегим ўғлонлари» жамоасига, 3-ўрин ижтимоий иқтисодий ва сервис коллежининг «Лочин» жамоасига эса насиб этди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Жиззах транспорт ва алоқа касб-хунар коллежида ОИТСга қарши курашиш бўйича семинар ташкил этилди.

Унда ўқувчи-ёшлар Жиззах вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Иштирокчи ёшлар икки гуруҳга бўлиниб машғул олиб боришди, 1-гуруҳ ОИВ инфекцияси қандай ҳолларда юқиши, 2-гуруҳ эса инфекциядан ҳимояланиш йўллари ҳақида хабардор этилди. Семинар давомида мавзуга доир видеоролик ҳам намойиш этилди.

Семинар якунида барча иштирокчиларга махсус сертификатлар топширилди.

* * *

СУРХОНДАРЕ ВИЛОЯТИ

Термиз тиббиёт коллежида «Камолот» ЁИХ Термиз шаҳар кенгаши, вилоят ички ишлар ва адлия бошқармалари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг худудий бўлими билан ҳамкорликда давра суҳбати ташкил қилинди.

Тадбирда вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг салбий оқибатлари, уларнинг профилактикасига қаратилган қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

ТАЛАБАЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК



(Давоми, аввали 1-саҳифада)

Университетда «Куюш энергиясидан халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиш» маркази тuzилиб, унинг ёнида битта гелиомайдон, ик-

кита иссиқхона ишлаб турибди. — Келгусида университет моддий-техник базасини мустаҳкамлаш давом этади. 2014 йилда уч юз ўринли, тендер қиймати 4,3 миллиард сўмлик икки қаватли ахборот-ресурс маркази қурилади.

Иккита талабалар турар жойини капитал таъмирлаш ишларига икки миллиард сўм маблағ сарфланади, янги стадион қурилади, сув таъминоти ва канализация тармоғи капитал реконструкция қилинади, — дейди Қарши давлат

университети ректори вази-фасини бажарувчи Лутфулла Ёзиев.

Университетда беш юз нафар профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ўн етти нафари фан доктори ва профессор, 174 нафари фан номзоди ва доцент. Профессорларнинг 88 фоизи, доцентларнинг 97 фоизи ушбу университетда тахсил олган маҳаллий кадрлардир.

Очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Ботир Усмонов, меҳнат фахрийси, Қарши давлат университети профессори Шониез Курбонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Фарҳод Абдуллаев, Мирза Азизов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати университет бошланғич ташкилоти етакчиси Отабек Ганиев ва Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Мафтуна Нодирова сўзга чиқиб, бу каби бунёдкорликлар бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва фаровонлик, Ўртбошимиз раҳнамолигида ёшларга қаратилаётган юксак эътибор меваси эканини таъкидладилар.

Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» мухбири.
Собир Нарзиев олган сурат.

Мақсад: ФАОЛИЯТНИ ЖОНЛАНТИРИШ

«Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси худудий бўлими ҳамда Ҳаракатнинг Бухоро вилояти кенгаши томонидан тизимда фаолият кўрсатаётган бошланғич ташкилот етакчилари малакасини ошириш ҳамда уларда ёшлар билан ишлашга оид кўникмаларни шакллантириш мақсадида ўқув семинари ташкил этилди.

49 нафар бошланғич ташкилот етакчиси қатнашган ўқув семинарида бошланғич ташкилотлар фаолиятига оид ҳужжатлар билан ишлаш тартиби, бошланғич ташкилотлар олиб бораётган ишлар режаларини тузишда янги таклифлар кириштириш, фаолиятнинг ҳуқуқий асослари, меъёрий ҳужжатларда замонавий муаммолар ва уларнинг ечимини ақс эттириш масалалари, шунингдек, ёшлар билан ишлашда психологик усуллардан фойдаланиш бўйича мунозаралар олиб борилди.

Таклиф қилинган мутахассислар Ҳаракат Устави ва Дастурининг ташкилий тузилмаси, мазмун-моҳияти, амалга ошириладиган ишлар, лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишнинг самарали усуллари борасида бошланғич ташкилот етакчиларининг билим-кўникмаси оширилди. Тренингда сўзга чиққан раҳбар ва координаторлар қатнашчиларнинг саволларига жавоб беришди.

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши раиси Жамол Носиров «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси Бухоро худудий бўлими томонидан ўтказилаётган ўқувларнинг савиясини янада ошириш, жойларда бошланғич ташкилот етакчиларининг анъанавий тарзда ўтказаятган лойиҳалар қамровини янада кенгайтириш, фақатгина иш режада тасдиқланган ишлар билан чекланиб қолмай, илмий-амалий машғулотларни жонлантиришга ҳам эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Ўқув семинари сўнггида ўтказилган амалий машғулотлар, айниқса, бошланғич ташкилот етакчилари билимини яна бир бора синовдан ўтказишга асосланган тест синовлари қатнашчиларда кизиқиш уйғотди.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

■ *Hududiy kengashlar faoliyatidan* ■

ИҚТИДОРЛИЛАР САРАЛАНДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани кенгашининг «Тўрт фасл нишонаси» лойиҳаси доирасида «Баҳор нафаси» кўрик-танловининг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Унда касб-хунар коллежлари ва мактаб ўқувчилари ўзлари яратган миллий либослар билан иштирок этди.

Иқтидорли ўқувчилардан тумандаги 200-мактаб ўқувчиси Моҳигул Икромова, 168-мактаб ўқувчиси Умида Тоирова, Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси Дилноза Маликова, 1-Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси Феруза Улхўжаева учинчи ўринга муносиб кўрилди. Иккинчи ўринни 131-мактаб ўқувчиси Нодира Шавкатова, Чилонзор коммунал хўжалиги ва сервис касб-хунар коллежи ўқувчиси Моҳира Сулаймонова, Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси Умида Абдуқаҳорова эгаллади. 173-мактаб ўқувчиси Африда Рафиқова, 164-мактаб ўқувчиси Мадинабону Убайдуллаева, 1-Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси Робия Шокирова ва 1-Республика тиббиёт коллежи ўқувчиси Гуласал Саидова биринчи ўринни эгаллашди.

Етти нафар иштирокчи эса турли номинациялар бўйича тақдирланди. Ғолибларга «Камолот» дипломлари билан биргаликда ҳамкор ўқув марказларининг совғалари топширилди.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» мухбири

■ *Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda* ■

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида «Адабий сценарий кино санъати асоси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

АДАБИЙ СЦЕНАРИЙ – ФИЛЬМ АСОСИ

Унда кинорежиссёрлар, актёрлар, сценарийнавислар, драматурглар, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчи ва талабалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий кино санъатини ривожлантириш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш ва ушбу санъат орқали ёшлар маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекино» миллий агентлиги ҳамкорлигида апрель ойида «Ёш кинематографлар» республика форумини ўтказиш режалаштирилган. Ушбу форум олдидан уюштирилган давра суҳбатида миллий киномизда умуминсоний кадрлар, анъаналар, ижтимоий ҳаёт манзаралари ақс эттирилган фильмлар сифати ва салмоғини ошириш учун ёш иқтидорли киносценарийнависларни тарбиялаш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

— Ёшларимизни турли зарарли ғоялар таъсиридан асраш, миллий қадрият ва анъаналаримизни, инсонийлик, дўстлик, меҳр-оқибат сингари фазилатларни кенг тарғиб этишда кино санъатининг ўрни беқиёс, — дейди ёш кинорежиссёр Акбар Бектурдиев. — Ана шу эзгу мақсадларга хизмат қиладиган фильмлар учун сценарийлар яратиш бугунги ижодкорлар олдиданги долзарб вазифадир.

Тадбирда киносценарий яратиш маҳорати, болалар киноси муаммолари, кинотадқиқот, кинотанқидчилик, кинематографиянинг халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтиришдаги аҳамияти масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири

«Kamolot» loyihalari

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР АКЦИЯСИ

«Камолот» ЁИХ Урганч шаҳар кенгаши ташаббуси билан ёшларнинг ижтимоий ва ижодий фаоллигини ошириш мақсадида «Сен билан бирга — камолот сари» акцияси ўтказилди. Унда 150 нафарга яқин ёш иштирок этди.



Акция доирасида бир гуруҳ истеъдодли ёшлар, жумладан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, Президент стипендияси, Мирзо Улуғбек ва Навоий номидаги давлат стипендиялари, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони, «Камолот» стипендияси соҳибларининг мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари билан учрашуви ташкил этилди. Бу ёшлар ўқувчиларга турли соҳаларда ютуқларга қандай эришганлиги, давлатимиз томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор ва яратиб берилган имкониятлар ҳақида гапириб беришди.

Учрашув давомида Урганч шаҳрида-

ги 2-мусиқа ва санъат мактабининг «Камалак» юлдузлари» республика танловида ғолиб бўлган «Мерос» жамоасининг мусиқали дастури намойиш этилди.

Акция якунида энг яхши савол ва энг яхши таклиф муаллифлари аниқла-

ниб, уларга Ҳаракатнинг шаҳар кенгаши томонидан «Қувноқлар ва зукколар» танловига ҳамда Огаҳий номидаги мусиқали театрда бўлиб ўтайдиган концертга бепул таклифномалар тақдим этилди.

Наргиза БАҲОДИРОВА

«Kamolot» ko'zgusi

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти кенгаши ташаббуси билан ёшларни давлат ҳокимияти органлари тизими ва фаолияти билан яқиндан таништириш, улар томонидан кўтарилган масала, фикр-мулоҳаза ва муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш мақсадида Хўжалик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди биносига учрашув ташкил этилди.

Унда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари, Ҳаракат фаоллари, бошланғич ташкилот етакчилари иштирок

этди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиё-

сатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарори асосида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, интилишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши бир қатор лойиҳаларни амалга оширомоқда, — дейди «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўлими мудири

Дилшод Нарзикулов. — Ҳамкорликда ташкил этилган бугунги учрашув бунга мисолдир. Бундай тадбирларни йил давомида вилоятимиздаги барча шаҳар ва туманларда ўтказишни режалаштирганмиз.

Хўжалик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди расиси ўринбосари Қобил Комилов мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг бугунги кундаги аҳамияти, фуқароларнинг, айниқса, вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида сўз юритди.

Учрашувда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Жасур РАҲМОНОВ,
«Turkiston» мухбири

Нуқуқ ва yoshlar

ЭНГ ФАОЛ ЁШ ИСТЕЪМОЛЧИ

Қарши агробизнес ва тадбиркорлик коллежида «Энг фаол ёш истеъмолчи» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган мазкур танлов академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ташкил этилмоқда. Танловнинг вилоят босқичида туман ва шаҳарларда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган 27 нафар ёш истеъмолчи қатнашди. Улар биринчи шартда сахна кўриши орқали ўз табриги, шиори ва эмблемасига таъриф беришди. Иккинчи шартда конвертларга солинган саволлардан бирини танлаган ҳолда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчиликни қай даражада билишларини намойиш

этишган бўлса, учинчи шартда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунчилик асосида тайёрланган тест саволларига жавоб бердилар.

Танлов натижаларига кўра, Қамаш педагогика-иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Азиза Шомирова биринчи ўринни, Қарши педагогика коллежи ўқувчиси Шоҳрух Раҳмидинов иккинчи ўринни, Яқкабоғ маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Гулзода Мейлиева учинчи ўринни эгаллади. Ёртепа (Қамаш тумани) қурилиш коллежи ўқувчиси Жаҳонбек Жовлиев «Энг фаол ёш истеъмолчи» номинацияси ғолиби деб топилди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Баҳром ЭШҚУВВАТОВ,
Қашқадарё вилояти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси матбуот ва ахборот сектори бошлиғи,
Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» мухбири.

ҲАШАРДА — ЁШЛАР

Ёшлар санатория-профилакторияда боғ яратиш учун ажратилган бўш ер майдонини чопиқ қилиб, гул ва дарахт кўчатларини ўтказишди ҳамда бошқа ободонлаштириш ишларини олиб боришди.

Ҳашарда цех етакчиларидан Жаҳонгир Муҳаммадиев, Шаҳбоз Бобобеков, Гиёс Раббимов, Шаҳбоз Нуритдинов, Ўктам Султонов, Алимардон Қорабоев, Назир Умаров алоҳида фаоллик кўрсатди.

Беҳзод ҚОДИРОВ,
«Ўзметкомбинат» ОАЖ
«Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси

Hududlardan mujdalar

БУХОРО ВИЛОЯТИ

«Камолот» ЁИХ Пешкў тумани кенгаши туман мудофаа бўлими билан ҳамкорликда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг туман босқичи ўтказилди.

Мусобақада тумандаги бешта касб-хунар коллеж жамоалари иштирок этди. Ғолиблар вилоят босқичига йўллани ман қўлга киритди.

* * *

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотинқизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида 1999-2001 йилларда тузилган қизлар ўртасида энгил атлетика бўйича «Баҳор маликалари – 2014» спорт мусобақаси ташкил қилинди. Мусобақада республиканинг барча ҳудудларидан 140 нафар спортчи беллашди.

Шахсий мусобақаларда пойтахтлик Виолетта Иванина 60 ва 200 метрга югуриш бўлса, хоразмлик Комила Ражабова 400 ва 800 метрга югуришда ғолибликни қўлга киритди. Узунликка сакрашда Тошкент вилоятидан Анжелика Беловага, тўп иргитишда шу вилоят вакили Евгений Ильиних, баландликка сакрашда самарқандлик Ангелина Мараховская ғолиб бўлди. 400 метрга эстафета югуриш бўйича жамоавий баҳсда наманганлик қизлар биринчи бўлишди.

Барча ғолиблар медаль ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

* * *

Андижон тиббиёт институти қошидаги академик лицейнинг «Камолот» бошланғич ташкилоти томонидан «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» фестивали ташкил этилди.

Фестиваль доирасида қизлар ўртасида миллий либослар, пазандалик, соч турмаклар, ўғил болалар ўртасида рақс, варрак учирини миллий ўйинлар танловлари ўтказилди.

Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

* * *

«Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, вилоят халқ таълими, ўрта-махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва вилоят «Шахмат» федерацияси билан ҳамкорликда «Камолот» шахмат тахтаси» анъанавий турнири ўтказилди. Мусобақада 7 ёшдан 19 ёшгача бўлган юз нафар ёш беллашди. Ўн нафари ғолиб деб топилди. Улар финалга йўллани олишди. Мусобақанинг барча иштирокчиларига эсдалик совғалари топширилди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ



ВАТАНИМИЗНИНГ КАТТА ШОИРИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Муҳаммад Юсуф ижодида ватанпарварлик ғоялари» мавзуида навбатдаги он-лайн мулоқотни ташкил қилди.

Ҳаракат қошидаги «Ёшлар медиа маркази»га ташриф буюрган меҳмонлар: Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид ва Иқбол Мирзо, Муҳаммад Юсуфнинг рафиқаси, шоира Назира ас-Салом реал вақт шароитида кўплаб интернет фойдаланувчилари ҳамда залда тўпланган ёшларнинг саволларига жавоб беришди. «Камолот»да меҳмонда» лойиҳасининг махсус ишчи гуруҳи томонидан мулоқот тафсилотлари www.kamolot.uz сайтининг «Форум» бўлимида ҳамда бир қатор ижтимоий тармоқларда тўғридан-тўғри ёритиб борилди.



Рустам Назарматов олган суратлар.

ИККИНЧИ ҲАЁТ — АБАДИЙ ҲАЁТ

— Ёшлигимизда интернет нимагини билмасдик. Уша пайтда он-лайн мулоқот ташкил қилиш Марсада бодринг унибди, деган гапдек хайратли туюларди-да, — сўз бошлади Сирожиддин Саййид. — Албатта, бундай қулайликлар бугунги ёшларнинг бахти. Муҳаммад Юсуфни юртимизда ҳар бир инсон ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Чунки у катта мамлакатнинг чинакам катта шоири. Бу йил қабул қилинган Президентимизнинг Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори шоирга, умуман адабиётимизга, адабларимизга кўрсатилган юксак эҳтиром ифодасидир.

— Мазкур қарорни барчамизга берилган катта имконият сифатида ҳам қабул қилиш керак, — дейди Иқбол Мирзо. — Унинг замирида, аввало, ёшлар маънавиятини ошириш, кўнгил булоқларини очиш, Ватанга, адабиётга муҳаббатини кучайтиришга бўлган ҳаракат ётибди. Форумга келган биринчи савол Муҳаммад Юсуфнинг турмуш ўртоғига қаратилди.

Мадина Шарипова, Қарши давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг «Камолот» ЕИХ бошланғич ташкилоти етакчиси: — Шоир қайси бир шеърини айнан сиз учун атаб ёзган? Ушбу шеърни ўқиганда қалбингиздан қандай туйғулар ўтади?

Назира ас-Салом: — Менга аталган бир қанча шеърлари бор. Лекин мен учун Муҳаммад Юсуфнинг бутун ижоди қадрли. Анвар Санаев «Эй, жуфти ҳалолим» шеърини кўшиқ қилиб ижро этганида, роса йиғлаганман. Бундай дамда Муҳаммад Юсуфнинг иккинчи ҳаёти бошлангандек туюлади. Албатта, қайси шеъри

бўлмасин, мен ҳар бир мисрада Муҳаммад акани ҳис қилиб яшайман.

Мавлуда Ембергенова, Кўнғирот туманидаги 53-мактаб ўқитувчиси: «Шоир нима учун осмоннинг охирини қидирган?»

Сирожиддин Саййид: — Шоир сифатида Муҳаммаддон кўплаб саволларга жавоб изларди. «Осмоннинг охири» дostonини у «Кўҳна кудук» дostonи билан бир пайтда ёзган. Ушбу асарни қалб саволларига жавобларнинг шоир тилидаги ифодаси сифатида қабул қилиш керак. Бу осмончалек чексиз, ҳаётга дахлдор саволлар эди...

Дилқушо Наврўзова, «Камолот» ЕИХ Навоий вилояти кенгашининг матбуот хизмати етакчи мутахассиси:

Мени шоир қилган кумсувоқ,
Болаҳоналаринг бор бўлсин.

Муҳаммад Юсуфнинг мана шу мисраларида ўзбекка хос соддалик, самимийлик ва камтарликни туясиз. Айтинг-чи, бугунги ёш ижодкорларда мана шу хислатларни кўрасизми?

Иқбол Мирзо: — Муҳаммад Юсуф яратган ўзига хос ижод мактабидан бугун кўплаб ниҳоллар униб чиқди. Лекин ҳар бир ижодкор ўз қиёфасига, сози ва овозига эга бўлиши даркор. Муҳаммад Юсуф нимаси билан Муҳаммад Юсуф эди? Халққа яқин тилда, самимий ва равон оҳангда ёзгани учун. У юрагимизга энг яқин, қадрли мавзуларни топиб, шундайгина қалбимизга жойлаб қўйган. Бугун Муҳаммад акага ҳар томондан муносиб ёшлар бор. Улар кумни шундай қафтга олганда олтин зарралардек кўзга ташланади.

Нукус давлат педагогика университети филология факультети талабаси Латофат Тожибоеванинг Назира

ас-Саломга йўлаган бир йўла тўртта саволи айниқса меҳмонларга манзур бўлди.

1. Сизга Муҳаммад Юсуфдан қолган энг қимматли хазина нима?

2. Шоир кимларни ўзига устоз, деб билган?

3. Муҳаммад Юсуф шеърларида «киприклари узун қиз»нинг ошиқона мақтовларини ўқиганда қалбингиздан қандай кечинмалар ўтган?

4. Сизнингча, агар Муҳаммад Юсуф ҳаёт бўлганида «топганларим ва йўқотганларим» деган саволга қандай жавоб берган бўларди?

Назира ас-Салом: — Қизимизнинг саволларига кетма-кет ва лўнда жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Муҳаммад Юсуфнинг кўлёмалари ва у киши ҳақидаги ўлмас, эзгу хотиралар энг қимматли хазинадир.

Муҳаммад акам жаҳон адабиётидан кўп асарлар мутолаа қиларди. Есениннинг шеърларини ёқтирган. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва бошқа катта адабларимизни ўзига устоз деб билган.

Муҳаммад Юсуф қайси мавзуда қалам тебратмасин, мен доимо шеърнинг мазмунига эътибор қаратганман, ортидаги қаҳрамонга эмас. Ўзбек қизлари ҳақидаги шеърлари кўп, тўпла-сак, битта китоб бўлади. Уларда шоир ҳақиқий ўзбек қизини қандай тасаввур қилишини ёзган. Билсангиз, ҳатто «Туркман қиз» ҳам аслида ўзимизнинг қизларга атаб ёзилган шеърдир.

Менимча, топганларим деб Муҳаммад Юсуф мустақилликни, ҳурлик ва озодлик замонимизни тилга олган бўларди. Бу ҳақиқий ватанпарвар шоирга хос жавоб. Мустақиллик йилларида қанчадан-қанча зиёлиларимиз, шоир ва ёзувчиларнинг қатағон этилганини бутун халқи-

миз каби Муҳаммад Юсуф ҳам катта йўқотиш сифатида қабул қилган бўлса, ажаб эмас.

ФАРЗАНДИНИ ЯХШИ КЎРМАГАН ИНСОН ВАТАНПАРВАР БЎЛОЛМАЙДИ

Гўзал Ибрагимова, Нукус давлат педагогика институти талабаси: — Муҳаммад Юсуф инсонлардаги қайси фазилатни кўпроқ қадрлаган?

Сирожиддин Саййид: — Муҳаммад Юсуф ҳақида шеърни ўзига, ўзи шеърига ўхшаган шоир, деб кўп гапираримиз. Чиндан ҳам одамгарчилиги бор, хокисор инсон эди. Бошқаларда ҳам шу сифатларни қадрларди.

Иқбол Мирзо: — «Меҳр қолур, муҳаббат қолур», деб ёзади Муҳаммад Юсуф бир шеърларида. Шу ғоя унинг барча шеърларида, борингки, бутун ҳаётида ўз ифодасини топган. Муҳаммад Юсуф меҳр ва муҳаббатни ҳамма нарсадан ҳам устун билган.

Назира ас-Салом: — Муҳаммад ака оёғи ердан узилган одамларни қабул қилолмасди. Ундан ташқари: «Фарзандини яхши кўрмаган инсон ҳеч қачон ватанпарвар бўлолмайди» деган гаплари ҳам бор эди. Ҳатто қизларини баъзан «ватаним» деб эркарларди.

ШЕЪРЛАРИ 16 ТИЛГА ТАРЖИМА ҚИЛИНАДИ

Он-лайн мулоқотда Муҳаммад Юсуф ижодининг нафақат илҳосмандлари, балки унинг шеърларини чуқур таҳлил этаётган, бу бўйича илмий изла-нишлар олиб бораётган ёшлар ҳам қатнашди. Улардан бири, Гулистон давлат университети талабасининг саволи шундай бўлди: «Муҳаммад Юсуфни биз маънавий жасорат тимсоли сифатида ҳам биламиз. Чунки истиклолдан олдинги даврдаям у ўз шеърларида ватанпарварлик

мавзуси, дўппи-белбоғ ҳақидаги фикрларни дадил айта олган. Уша даврда бундай шеърларга муносабат қандай эди? Шоир қийинчиликларга дуч келганими?»

Сирожиддин Саййид:

— Қанча-қанча шеъринг романлару дostonларнинг номнишони йўқ ҳозир. Лекин «Дўппи киймай кўйди одамлар» деб ҳалиям айтиб юрибмиз. Шунга ўхшаш шеърларни Муҳаммаддон ҳали машҳур бўлмаган пайтида ҳам катта давраларда ўқиган. Бу шеърларни одамлар тўғри қабул қилишган. Мана буларнинг ҳаммаси катта қалб, катта меҳр билан ёзилган шеърлар. Тўғри айтдингиз, уларни маънавий жасорат тимсоли сифатида қабул қилсак арзийди.

Назира ас-Салом: — Бу мавзуларни кўтариб чиқиш таҳликали бўлган бир пайтда Муҳаммад ака шеърларини ҳар қандай зарбаларга тайёр ҳолда ёзарди. Шукрки, мустақиллик йилларига етиб, яна овозини баралла қилиб шеърларини ўқийдиган даврда ҳам яшаш насиб этди унга.

Шоҳида Эшмаматова, «Камолот» фаоли: — Шоир юбилейига бағишлаб шеърини тўпламларининг йиғма жилди биз, китобхонларга тўхфа этиладими?

Сирожиддин Саййид: Ҳозир «Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида» китоби деярли тайёр ҳолга келди. Уйлайманки, ушбу тўплам катта ҳаётга қадам қўяётган, ўз йўлини излаётган, дунё саволларига жавоб топишда қийналаётган азиз ука-сингиларимиз учун жуда жиддий, керакли китоб бўлади. «Сайланма»сининг лотин ёзувидаги икки наشري сотувга чиққан. Бундан ташқари, Президентимиз қарорига биноан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Муҳаммад Юсуфнинг «Сайланма» китоби энг замонавий дизайнда яратилди. Яқинда у беш минг нусхада чоп этилиб, китобхонлар кўлига етиб боради. Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қиладиган адабий-танқидий китобимиз ҳам эртаиндин нашрдан чиқади. Шоирга бағишланган шеърлар тўплами ҳам тайёрланапти. Тошкент давлат шарқшунослик институти талабалари томонидан Муҳаммад Юсуфнинг Ватанга бағишланган шеърлари ўн олти-та тилга таржима қилинмоқда. Улар алоҳида китоб ҳолига келтирилади. Буларнинг бари Муҳаммад Юсуф қолдирган улкан ижодий мероснинг юртдошларимиз, ёшларимизга аталган бебаҳо совғаси дейиш мумкин.

Бу галги он-лайн мулоқот давомида меҳмонлар элликка яқин саволга жавоб беришди. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ижоди ҳақида дилдан қурилган суҳбат, шоирнинг халқчил шеърларидан ўқилган намуналар ҳар бир иштирокчи-га Ватанини қандай севиш кераклигини аниқлашдек, гўё. Шу онларда бугунги ўзбек ёшлари учун ҳар қандай замонавий компьютеру янги русумдаги уяли алоқа воситаси ва ҳатто интернетдан кўра, хокисор битта шоирнинг самимий ҳамда содда мисралари қадрлироқ эканини тушунасан, киши. Мулоқот якунида меҳмонларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг эсдалик совғалари топширилди.

**Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири**

■ Vatan himoyasi — muqaddas burch ■

СЕРЖАНТЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Шукрки, тунимиз осуда, тонгимиз хайрли.

Сизу бизнинг мана шундай тинч ва хотир-жам яшашимизда ватан посбонлари туну кун хизматда. Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсида ҳам юрт тинчлигини сақлашга бел боғлаган курсантларнинг навбатдаги битирувчилари саф тортишди.

Курсантларни қутлаш учун биз билан олдинма-кейин кириб келаётган ота-оналар, опсингиллар, ака-укалар, дўст-биродарлар қўлида гул кўтарганча, ўзгача ҳаяжон билан ошиқмоқда. Улар Академия ҳовлисида бир хил формада саф тортган курсантларга қараб, ўз яқинларини қидиришмоқда...

Ҳарбий оркестр жўрлигида тантанали маросим бошланди. Ички ишлар вазири, генерал-майор А.Ахмедбаев, вазирлик бош бошқармалари бошликлари, Академия раҳбарияти ҳамда тадбирга тақлиф этилган меҳмонлар минбарга чиқишди. Сўнг битирувчи курсантларга диплом топшириш маросими бошланди.

Шу кунга қадар ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсида ўн минг нафардан ортиқ мутахассис сержантлар тайёрланди. Улар ички ишлар идораларининг патруль-пост, йўл ҳаракати хавфсизлиги, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, қўриқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш, ёнгин хавфсизлиги ва бошқа йўналишлар-

да хизмат қилмоқда.

Тадбирда сўз олган Ички ишлар вазири генерал-майор А. Ахмедбаев битирувчиларни ушбу шодиёна билан табриклаб, мустақил ҳаётга қадам қўётганликлари ва бу ўринда жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш каби вазифаларни бажаришда олган касбий билимлари қўл келишини таъкидлаб ўтди. Вазир ички ишлар ходимлари олдида турган вазифаларни таъминлаш, аввало, уларда метин ирода ва юксак маҳорат талаб этишини алоҳида қайд этди. Битирувчиларга ушбу таълим масканида олган барча билим ва кўникмаларини амалиётда қўллаб, билдирилган юксак ишонччи оқлашларига умид билдирди.

Устида милиция формаси, қўлида диплом билан яқинлари қуршовида бўлган сержантларнинг қувончи чексиз. Шундай қувончли давранинг бир четидан турган битирувчи йигит эътиборимизни тортди. Риштон туманидан келган бу йигит Элёр Тўйчиев экан. Ёнидаги дўсти Ўринбой Абдуолимов эса уни

қутлаш учун водийдан келибди.

— Бугун қувончим ичимга сигмаяпти. Афсуски, отам менинг шу қувончларимни кўра олмади. Лекин мен отам орзу қилган касб эгаси бўлдим. Мен учун бундан ортиқ бахт йўқ. Курсни ҳам имтиёзли диплом билан битирияман. Қисқа фурсатда Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсида кўп нарса ўргандим. Қаерда бўлмайин, шу юрт тинчлиги учун хизмат қиламан.

Элёрбекнинг мақсадлари улкан. Ана шундай улкан мақсадлар билан ички ишлар идораларига хизмат қилишга чоғланаётган битирувчиларни қутлаётган ота-оналарнинг қувончи бир олам. Чуст туманидаги «Истиқлол» маҳалласидан келган Наима ая Оллаводинованинг хурсандчилиги икки хисса ортиқ.

— Фарзандининг кичкина муваффақияти ҳам ота-онага олам-олам қувонч бағишлайди. Бугун тўнғич ўғлим Ҳамидулла Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсини битираётган бўлса, иккинчи фарзандим Жавоҳир яқинда муддатли ҳарбий хизматни имтиёзли тавсиянома билан тугатиб қайтди. У ҳам ИИБ Академиясида ўқимоқчи. Бу ердаги шароитларни кўриб хурсанд бўлдим. Бугунги тадбир ҳам катта шодиёнага айланди. Бундан барча ота-оналар мамнун.

Тантанали маросим куй-қўшиқларга уланиб кетди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

■ Diqqat, tanlov! ■

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ ЖУРНАЛИСТИ

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоати фонди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида жисмонан соғлом, маънавий етуқ, дунёқароши теран ва мустақил фикрлайдиган баркамол авлод этиб тарбиялаш, ёшларда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, халқимиз менталитетига ёт бўлган турли иллатларга қарши курашиш кўникмаларини шакллантириш, ёш журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» республика танловини ўтказди.

Танловда мамлакат оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ҳамда таҳририятлар билан яқин ҳамкорлик қиладиган 30 ёшгача бўлган журналистлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, ёшларни Ватанимиз, халқимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш масалалари, давлатимиз томонидан ёшлар учун яратиб берилган имкониятлар, шарт-шароитлар кенг очиб берилган бўлиши даркор.

Танловга тақдим этиладиган материаллар 2014 йилнинг 1 ноябригача «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши (Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уй)да қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- муаллифнинг паспорт нусхаси;
- таҳририят ёки ўқув юртидан берилган тавсиянома;
- 4х6 ҳажмдаги 2 дона фотосурат;
- муаллифнинг боғланиш телефонлари.

Танлов голиблари махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Танлов голибларига мукофотлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллик байрами арафасида топширилади.

Мурожаат учун телефонлар: 170-90-27, 241-00-50.

■ Dolzarb mavzu ■

ЗАРАРЛИ АХБОРОТ ОҚИМЛАРИГА ҚАРШИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

Инсоннинг руҳий ва маънавий

дунёсини шакллантиришда ахборот муҳим аҳамият касб этади. Зотан, биз бугун улкан ахборот маконида яшаймиз. Унда ҳар сонияда инсон онгига таъсир қилувчи янгидан-янги ахборотлар тарқатилмоқда. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, у Ўзбекистон демократик жамият барпо этиш асосларининг муҳим шартини ҳисобланади.



Рустам Назарматов олган сурат

Ахборот олиш эркинлиги эса таълим ва тарбия жараёнлари билан узвий боғлиқ. Таълим сифатли ва самарали бўлиши учун ахборотларни излаш, олиш, қайта ишлаш ва тарқатиш жараёнлари эркин бўлмоғи, шунга яраша керакли ахборот ресурслари ва ахборот-коммуникация технологияларининг техник тузилмаси барпо этилиши даркор.

Одатда, болалар изланувчан ва қизиқувчан бўлади. Шу сабабли ҳаётини тажрибаси оз, оқ-қорани яхши танима-

ган, вояга етмаганларни ахборот оқимларининг ноҳўя таъсирларидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш бугунги кунда барча мамлакатлар олдидаги муҳим вазифа бўлиб турибди. Германия, Буюк Британия, Австрия, Венгрияда шу бўйича ҳуқуқий воситалар қўлланилади. Европа ҳамжамияти микёсида «Хавфсиз интернет» тизимини яратиш ишлари ҳам бошланди. Россия, Қозоғистон, Латвия, Литва, Грузия давлатларида ҳам

махсус қонунлар амалда. Шу маънода, Ўзбекистонда ҳам вояга етмаганларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун қабул қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Айни вақтда вояга етмаганлар қуйидаги мазмундаги ахборотлардан ҳимояланиши керак. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлиги, мавжуд конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга

қаратилган; урушни, зўравонлик ва терроризмни тарғиб қилувчи, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилувчи; кишилар ўртасида миллий, ирқий, этник ва диний душманликни кўзғатувчи; гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорларни тарғиб қилувчи; алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилишни тарғиб этувчи; жинойи жавобгарлик ва қонунга мувофиқ бошқа жавобгарлик чораларини қўлланиши-

га сабаб бўлувчи ҳаракатларни содир этишга ундовчи ахборот ва ғоялар, шунингдек порнографик маҳсулотлар.

Бундай ҳимояни таъминлашда ахборот олишни чеклаш, ахборот ресурслари доирасини қисқартириш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бу ҳолат ёшларнинг замонавий билим ва технологиялардан орқада қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида интернет тармоқларида муайян ахборотлар, масалан, порнографик маҳсулотлар, терроризмга ундовчи чақириқларни филтрлаш ёки техник тўсиқлар қўйиш тажрибаси қўлланилади. Ахборотлар оқимининг мониторингини амалга ошириш ва калит сўзлар орқали зарур ахборотларни топиш тизими айни пайтда салбий ахборотларни аниқлаш ҳамда уларни чеклаш тизимига ҳам айлантирилиши мумкин. Ёш авлодни салбий ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича масъул субъектларни белгилаш лозим. Бу ишда, аввало, ахборот яратувчилар ва тарқатувчиларнинг ўзини ўзи назорат қилиш тамойилига асосланмоқ шарт. Бу тамойилнинг амалиётини назорат қилиш эса бундан ҳам муҳим. Давлат ва жамоат назорати ҳамда мазкур масалада ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ахборот майдони субъектларида ўзини ўзи назорат қилиш тизими мавжуд бўлгандагина самара беради.

О.ОҚЮЛОВ,
Тошкент давлат юридик университети профессори

Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда давлатимиз қонунчилиги борасида етарли билимларни шакллантириш мақсадида ўтказиб келинаётган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг Ёзёвон туман босқичи бўлиб ўтди.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Кўрик-танловда тумандаги иқтисодиёт ва маиший хизмат касб-хунар коллежининг «Баркамол авлод», қишлоқ хўжалиги коллежининг «Адолат», педагогика коллежининг «Адолат» ҳамда иқтисодиёт коллежининг «Легист» жамоалари «Жамоани таништириш», «Савол-жавоб», «Тақдимот», «Ҳуқуқий меросимизни ўрганамиз» шартлари бўйича беллашдилар.

Танлов якунларига кўра, энг юқори балл тўплашга муваффақ бўлган «Баркамол авлод» жамоаси биринчи ўринни қўлга киритиб, танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

Ҳолиблар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ахрор БУРҲОНОВ



Мен ҳам фотограф бўламан!

Рустам НАЗАРМАТОВ фотолаҳаси

■ *Ko'zgu* ■

«БАРКАМОЛ АВЛОД» — ЁШЛАР ТАЯНЧИ

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Буни биргина «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказлари мисолида яққол кўриш мумкин. Айни пайтда ушбу марказларда ёшлар учун бар-

ча қулайликлар яратилган. Хусусан, малакали мутахассислар ва моддий техник базанинг мустақамланганлиги юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Яқинда Навоий вилояти «Баркамол авлод» марказида тўгарак раҳбарлари ва услубчилар иштирокида семинар

бўлиб ўтди. Семинарда иштирок этганлар ўқув жараёнида болаларни тўгаракларга жалб этиш, уларни ўзлари қизиққан йўналишларда билим ва кўникмаларини оширишлари борасида мутахассислардан керакли маълумот олдидлар.

Ўқувчиларнинг бўш

вақтларини мазмунли ташкил этишда марказларда фаолият кўрсатаётган тўгаракларнинг ўрни беқиёс. Навоий вилоятидаги мавжуд ўн битта ана шундай марказ айна чоғда ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама баркамол шахс сифатида шаклланиши учун муносиб ҳисса қўшаётир.

«LEXUZ»НИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Навоий вилояти Адлия бошқармасида «LexUZ сайтининг янги имкониятлари» мавзусида ўқув семинар ташкил этилди. Унда ушбу сайтнинг афзалликлари ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Семинарда Ўзбекистон Респуб-

ликаси қонун ҳужжатлари тўғрисида маълумотларнинг миллий базаси яратилган ушбу сайтга қарийб ўттиз мингга яқин ҳужжат жойлаштирилганлиги, ундан ҳар куни олти мингдан зиёд киши фойдаланаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар LexUZ тизимининг янги дизайни ва имкониятлари, жумладан, излаш тизимининг тубдан қайта ишланганлиги борасида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Отабек АСЛОНОВ

■ *Menga so'z bering* ■

БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Бугун мураккаб глобаллашув жараёнида маънавият соҳасида пайдо бўлаётган долзарб муаммолар, ахборот хуржлари, ёшларнинг онгини турли зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда, айниқса, мактаб ўқувчиларининг мафкуравий иммунитетини шакллантириш, уларнинг интеллектуал салоҳияти, истеъдод ва қобилиятларини юзага чиқаришда энг аввало, оиланинг, сўнгра, таълим муассасаларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ҳузур тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли етмиш тўққизта умумий ўрта таълим мактабида 32120 нафар, йигирма олти мактабгача таълим муассасасида 1820 нафар бола таълим ва тарбия олмақда.

Ёш авлодни умуминсоний ва миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш замон талаби бўлиб қолмоқда. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг маънавиятини шакллантириш, уларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишда маданий-маърифий тад-

бирларнинг ўрни беқиёсдир.

Ўқувчи иштирок этиши мумкин бўлган ҳар қандай тадбирда имкони борича ўзига хос усуллардан фойдаланилса, бу ёшларнинг маънавиятини оширишга хизмат қилади.

Тадбирларга раҳбар-

лик қилиш педагогик маҳорат ва тажрибани, зукколик ва ижодкорликни талаб этади. Ўқувчиларга тўғри таълим-тарбия беришда урф-одатларимиздан, буюк алломаларимизнинг маданий меросидан ҳам фойдаланса бўлади. Шундагина ёшларимизда ёт ғояларга қарши кучли иммунитет ҳосил бўлади. Келажагимиз ёшлар қўлида экан, уларнинг таълим-тарбияси учун барчамиз бирдек масъулмиз.

Даврон ЎРИНОВ,
Қашқадарё вилояти
Ҳузур туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш шўбаси раҳбари



Жонивор иродаси

Канаданинг Ванкувер шаҳрида икки оёқли ит югуришни ўрганди. Аниқроғи, Дункан Лу Ху лақабли боксёр зотига мансуб ит орқа оёқлари кесилганидан сўнг, жойидан қимирлай олмаётганди.

Жониворлар учун бионик оёқлар ишлаб чиқарилмагани туфайли мутахассислар унга ёрдам беришга ожиз эдилар. Туғилганида орқа оёқлари туғилганда ишламагани сабабли кесиб ташланган жонивор гавдасининг орқа қисмига қўйилган аравадан фойдаланишни истамади. У астойдил ҳаракатидан сўнг юриш тугул, югуришни ҳам ўрганиб олди.

Унинг соҳил бўйида югураётганини «Panda Paws rescue» хайрия ташкилоти видеога олиб, «YouTube» сайтига жойлаштирди. Ҳозиргача видео салкам икки миллион маротаба кўрилди.

Қўлингиздан қувват олади

Пекин университети тадқиқотчилари одам танаси мобил телефонни қувватлантириши мумкинлигини маълум қилди.

Яъни келажақда уяли телефон инсон қўлидан қувват олади. Олимлар «бир чиғирikli генератор»ни ишлаб чиқишди. Қурилмага қўл теккизган одам, телефонга ҳам таъсир кўрсата бошлайди. Натижада электронлар алмашинуви содир бўлади. Лекин унинг камчилиги кам қувватли эканлигида. Хитойлик олимлар эндиликда портатив қурилмаларга етарлича қувват бера оладиган генераторни ишлаб чиқиш устида бош қотирмоқдалар.

Эйфел минораси 125 ёшда

Парижнинг кўрки саналувчи Эйфел минораси бунёд этилганига бу йил 125 йил тўлди.

1889 йилнинг март ойида қуриб битказилган минора май ойидан илк меҳмонларни қабул қилган эди. Минора Густав Эйфелнинг лойиҳаси асосида 26 ой давомида қурилган. У 1931 йилгача энг баланд минора саналган. Шунингдек, унга 2,5 миллион дона михларчин ишлатилган бўлиб, ҳар етти йилда 57 тонна бўёқ билан бўяб турилади.

Минорага атаб ўтказилаётган турли фестивал ва карнаваллар 15 майгача давом этиши маълум қилинди.

Робот — йўл-патрул хизмати ХОДИМИ

Конго Демократик Республикасининг Лумумбаши шаҳридаги чорраҳаларнинг бирида робот йўл-патрул хизмати ходими ўрнатилди.

У йўлдаги қатновни тартибга солиш билан бирга, камера орқали қоидабузарликларни аниқлайди.

Бироқ роботларнинг соз ҳолда сақланишидан хавотирлар бор. Ахир, минг қилса ҳам, у барибир темир-да, одам эмас.

Интернет манбалари асосида
Гулшода ЖУМАЕВА тайёрлади



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!



Футбол ўйнашнинг, футбол ҳақида ўйлашнинг қотираман, деган, юрагида ўти бор мухлислар учун зўр имконият!

«ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФУТБОЛ»

ТАНЛОВ-ВИКТОРИНАСИ

Викторинада иштирок этиш жуда осон! Сиз газетамизда эълон қилинадиган Ўзбекистон ва жаҳон футболга оид саволларга ўз вақтида тўғри жавобларни йўллаб борсангиз, кифоя. Танлов шу йилнинг **30 июнигача** давом этади. Унда энг кўп очко тўплаган уч нафар мухлис Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати финали олдидан тақдирланади. Танловда **30 ёшгача** бўлган мухлис ва мухлисалар қатнашишлари мумкин.

13-савол:

Икки карра жаҳон чемпиони Гарринчанинг асл исм-фамилиясини айтинг.

Жавобингизни intellekt_sport@mail.ru электрон манзилига савол эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта ичида ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот ва телефон рақамингиз билан бирга жўнатишингиз лозим.

Gazeta va gazetxon

«ДАРАХТДАН МЕВА ОЛАЙ ДЕСАНГ, НИҲОЛЛИГИДАН ПАРВАРИШ ҚИЛ...»

«Turkiston» газетасининг 2014 йил 12 март 20-сонида **Майсара Назарованинг «Одоб, маданият — инсон кўрки» сарлавҳали мақоласини ўқиб, бир воқеа ёдимга тушди. Мақола бугунги ёшларнинг вакили сифатида мени шу мавзу ҳақида чуқурроқ мулоҳаза юритишга ундади.**

Эрта тонгдан автобус турли ёшдаги одамлар билан тўла. Шу пайт ёнимдаги ёш йигитларнинг бир-бири билан баланд овозда, беҳаё сўзларни айтиб, сўкиниб гаплашаётганидан ноқулай аҳволга тушдим, кўнглим хира тортди. Негадир, ҳеч ким уларни бу тахлит сўзлашишдан қайтармас, ҳамма ўз хаёли билан банд эди. Ҳайдовчи эса ёнимдаги йигитларга танбеҳ бериш ўрнига ўзи телефонда ким биландир бақаришарди.

Кўринишидан ўқувчига ўхшаган қизлар эса чунон кулиб гаплашишардики, бунга асаби темирдан бўлган одамгина чидай олади...

Манзилимга келиб тушиб қолдим-у, ўйга толдим. Уларнинг ҳам тарбия берадиган ота-оналари, устозлари бормикан? Умуман, бунга ким айбдор? Ўз эътиборсизлиги, маданиятсизлиги билан ёмон ўрнатилган айрим катталарми ёки бундай сўзлашишни замонавийлик, «мода» деб

ҳисоблаётган айрим тенгдошларимизнинг ўзларими? Кундалик ҳаётимизда кўп учраётган бундай ҳоллар атрофдагиларнинг руҳиятига етказётган салбий таъсирга бефарқ қараб бўладими?

Яна бир ҳолат. Гавжум кўчада икки ёш йигит-қиз бир-бири билан қучоқлашиб турибди. Ён-атрофдагилар бепарво. Ҳеч ким индамаяпти-ю, аммо ҳам-манинг кўзи уларда. Кўпчиликнинг ёмон қараётганидан уялмаётган бу ёшлар эса тобора ўзларининг нақадар «тарбияли», «ахлоқли» эканликларини кўз-кўз қилардилар. Гўё «кўриб қўйинглар, биз мана шундаймиз» деяётгандек...

Саволлар кўп, аммо жавоб ҳар кимнинг уйғоқ виждони, қалбига ҳавола. Халқимизда «Дарахтдан мева олай десанг, ниҳол-

лигидан парвариш қил», деган пурмаёно мақол бор. Яъни яхши фарзанд ота-онасига раҳмат, ёмон фарзанд эса лаънат келтиради. Шунинг учун ёш ниҳолнинг қандай бўй чўзиши, камол топиши, аввало, оиладаги эътибор, тарбияга ва атрофдагиларнинг ҳам бу борадаги масъулиятни ҳис эта олишига боғлиқ. Биз, ёшлар эса ён-атрофимизда учраб турган бундай ҳолларга бепарво, лоқайд бўлмаслигимиз лозим. Зеро, мазкур мақолада таъкидланганидек, инсоннинг кўрки ҳуснида эмас, одоб ва маданиятидадир.

Шоҳсанам МАҲМУДОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

				Кўнгли, дил	...-фан		Кимёвий лаборатория								
Забон, лисон	Мева тури	Кўркмас, ботир	... қилса бурнингни тишла				Сотиб олиш	Тованиш, жилов	Детектив			Хабарлар дастури (ТВ-1)			
				Шикаст, жароҳат	Аввал ... бадъаз калом		Қовча буржи	Мазах исм							
	Камар, кайиш	Спорт саройи, машқ хонаси				Кристиан ... (косметика)			Уч (русча)			Шаршара, Венесуэла			
				Қирлик, яилов				Хулақ...							
Сил-киниш, титроқ	Сарой маркази					Ёқилари (инглизча)			Комил, барқамол						
Балхаш, Байкал		Лекин, бироқ	... майдонда синалади						Навоий япаган шохар						

Тузувчи: Фаҳриддин Раҳимов

Maydonda sinalganlar

Оғир атлетикада энгил ғалаба бўлмади

Чирчиқ шаҳрида оғир атлетика бўйича эркеклар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда икки юзга яқин спортчи иштирок этди.

Эркеклар ўртасида Рўзимурод Арслонов, Руслан Макаров, аёллар ўртасида Лола Қодирова, Марина Сисоева, Фарангиз Шомуродова, Елена Сисоева, Манзура Мамасолиева сингари спортчилар олтин медални қўлга киритган бўлса, Адҳам Эргашев, Шавкат Умрзоқов, Элдор Қўлдошев, Хусниддин Аҳмедов, Зилола Бўриева, Нуржохон Ҳошимова каби атлетчилар совриндорлар сафидан жой олди.

Қимъа чемпионатида кўп қолмаяпти...

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси шу йилнинг 25 ва 27 май кунлари Тошкентда иккита ўртоқлик учрашувида майдонга тушади.

Рақиб жамоа Осиёнинг футбол ривожланган мамлакатларидан бири — Уммон терма жамоаси.

Ташкил этиладиган ушбу ўйинлар келаси йил Австралияда ўтказиладиган Осиё чемпионатида тайёргарлик кўраётган иккала терма жамоа учун ҳам ўз кучларини синовдан ўтказиб олиш учун яхши имкониятдир.

Нодир ОНОРОВ тайёрлади

«TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги учинчи учрашув **2014 йилнинг 10 апрель** куни «Камолот» ЁИХ Андижон вилояти кенгаши раиси **Нодира Абдурахмонова** билан бўлиб ўтади. Сухбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.kamolot.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни savol@turkiston.uz электрон манзили ёки **(+9 9871) 233-79-69** телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Шошилинг, вақт оз қолди.

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Навоийдан олдин туркий тил (ҳозирги ўзбек тили)да «Хамса» ёзган шоирлар кимлар?

Жавобингизни **4 апрель** соат **16.00** га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамларига кўнгироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Олтин.
Тўғри жавобни биринчи бўлиб Юнусобод туманидан **Зиёда Толипова** йўллади.

YON DAFTARCHANGIZGA

Омад ортидан қувма, у ҳаммаша ўзингда.

Пифагор

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда
№ 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998



9 772010 699000

Бош муҳаррир:

Ашуруров Салим Тўраевич

Тахрир хайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шуқуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Умарова Наргиза Баҳодировна

Саҳифаловчи:

Рўзиев Зафар Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок.
Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: **203, 3203**
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-457.
Адади — 11622
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.30
ЎЗА яқини — 20.35

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6